

ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМА № 1

Хива шаҳар _____

« 04 » Февраль 2022 й.

«Машъал Савдо Инвест» МЧЖ бундан буён матнда «Сотувчи» деб аталувчи номидан раҳбари Бабаджонов. А.Ш фаолиятини амалга низом асосида оширувчи бир томондан ва 97 сон ихтисослаштирилган давлат мактаб интернати бундан буён матнда «Харидор» деб аталувчи номидан раҳбари Х.Худайберганов фаолиятини низом асосан кўрсатувчи, иккинчи томондан, биржа электрон савдоси натижаларига кура куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишди.

1. Шартнома предмети

1.1. «Сотувчи» ва «Харидор», кейинчалик номанадиган томонлар, биржа электрон савдоси натижаларига кура, куйидагича шартнома буйича «Харидор» тўлангандан кейин махсулотни қабул қилади, «Сотувчи» ўзига тегишли махсулотларни куйидагича курсатилган шартлар буйича етказиб беради:

№	Махсулот номи	Улч. бирлиги	Сони	Харидорнинг бошлангич нархи	Келишилган баҳо (сотув баҳоси)	Шартнома-нинг умумий қиймати (сотув суммаси)	Махсулот таснифи: товар белгиси, товар параметри, фирманинг номи, ГОСТ ва бошқа параметрлари
1	Колбаса	кг	150		30000	4500000	
2	Апельсин	кг	200		25000	5000000	
3	Лимон	кг	60		18000	1080000	
	Жами					10580000	

1.2. Шартноманинг умумий қиймати: Ун миллион беш юз саксон минг сумни ташкил қилади. (езув билан ёзилади)

2. Товар етказиш ва тўлов шартлари

2.1. «Харидор» «Сотувчи»нинг ҳисоб-рақамига қонунчилигига асосан шартномада кўрсатилган махсулот миқдори суммасининг 30 фоизини олдиндан 3 банк иш кунинда шартнома тегишли газначилик булинмаларида руйхатдан утказилгандан кейин ўтказишни ўз зиммасига олади. Қолган 70 фоизи махсулот тўлиқ етказиб берилгандан кейин ҳисоб варағи (ҳисоб китоб далолатномаси ва х.к.) ҳужжатларига асосан 3 банк иш кунинда ўтказишни ўз зиммасига олади.

2.2. «Сотувчи»нинг ҳисоб рақамига одиндан тулов туширилгандан кейин 3 банк иш кунинда махсулотни етказиб беришни ўз зиммасига олади.

2.3. «Харидор» махсулотни олган пайтида «Сотувчи»нинг иштирокида олинаётган махсулотни бутлиги ва сифатини текшириши шарт.

2.4. Махсулотнинг етказиб берилиши (узи ҳисобидан ёки харидорнинг эшигигача етказиб бериш) шарт билан амалга оширилади.

7. Тарафларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги

3.1. «Сотувчи» ҳисоб рақамига одиндан тулов туширилгандан кейин 3 банк иш кунинда махсулотни етказиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади

3.2. Махсулот учун «Харидор» ўз вақтида ёки тўлиқ тўловни амалга оширмаган бўлса, ҳар кун учун махсулот баҳосидан 0,4 % пеня тўлайди, лекин 50 % миқдордан ошиб кетмаслиги керак.

3.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, тегишли даражада сифатли махсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни «Харидор» қабул қилмаслигига ҳақлидир. «Сотувчи» сифатсиз махсулот қиймати миқдорида 0,5 % пеня тўлайди, сифатли бўлмаган махсулот баҳосини қайтариб беради ва шартнома бекор қилинади

3.4. «Сотувчи» махсулотни ўз вақтида тўлиқ етказиб бермаганлиги учун «Харидор»га етказиб берилмаган ҳар кун учун махсулот баҳосидан 0,5 % пеня тўлайди, лекин 50 % миқдордан ошиб кетмаслиги керак.

3.5. «Харидор» «Сотувчи» томонидан давлат стандарти ва бошқа мейёрий ҳужжарига асосан шартнома бандларига тўлиқ риоя қилинишини таъминлашини талаб қилишига ҳақлидир.

3.6. «Харидор» берилган буюртномага асосан «Сотувчи» томонидан шартномада курсатилган тегишли даражада сифатли махсулот етказиб берилишини талаб қилишига ҳақлидир, агар сифатсиз махсулот келтирилган бўлса «Харидор»нинг ихтиёрига кура алмаштириб берилиши ва шартноманинг бандлари тулик бажарилмаганлиги оқибатида келтирилган зарарни қоплаб берилиши талаб қилинади.

3.7. Агарда «Харидор» олдиндан тулов амалга оширилгандан кейин 3 кун ичида махсулотни етказиб бермаса «Сотувчи» езма равишда «Харидор»га билдиришнома тақдим қилингандан кейин бир томонлама шартномани бекор қилиши мумкин.

3.7. Фақат қонунчиликда белгиланган ҳолатлардан бошқа пайтлари бир томонлама шартномани бекор қилиш ёки бандларини ўзгартириш йулга қуйилмайди.